

Маддоҳлик

05:00 / 03.03.2017 8493

Маддоҳлик баъзи жойларда ман қилингандир. Мадҳнинг ўзида олтига офат бор. Уларнинг тўрттаси мадҳ қилувчида, иккитаси мадҳ қилинувчидадир.

Мадҳ қилувчидаги офатлар қуйидагилар:

- 1.Мадҳда ҳаддан ошиб ёлғон қўшиб юбориш.
- 2.Мадҳга риёкорликни арашлаштириш. Мисол учун, мақтаётганда уни яхши кўришини айтади, аслида яхши кўрмайди. Ёки гапираётган гапи ўз эътиқодига тўғри келмайди. Шунинг ўзи риёкорликдир.
- 3.Маддоҳ гоҳида рўёбга чиқиши мумкин бўлмаган нарсани ёки моҳиятини англаш қийин нарсани гапиради. Мисол учун, бу киши ўта тақводир, парҳезгор ва зоҳиддир, дейди.

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишининг бошқа бировни мақтаб маддоҳлик қилаётганини эшитиб қолдилар ва: «Ўша одамни ҳалок қилдиларингиз ёки белини синдирдиларингиз», дедилар»**. Икки шайх ривоят қилган.

Ортиқча ва ноўрин мақтов маддоҳлик бўлади. Бу иш мақталган кишининг ўзидан кетишига ва ҳовлиқиб бузилишига олиб боради. Ана шу тариқа у одам ҳалокатга учрайди ва одамгарчиликдан чиқади. Шунинг учун маддоҳлик қилмаслик керак.

Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бир кишини зикр қилинди. Бир одам унга яхши мақтов айтди.

Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча марта: «Шўринг курсин! Соҳибингнинг бўйнини кесдинг! Агар бирингиз ноилож мадҳ айтадиган бўлсангиз, «менимча ундоқ, менимча бундоқ», десин. Агар анна шундоқлиги кўрилган бўлса ва Аллоҳ унга етарли бўлса, Аллоҳга бировни поклаб кўрсатмасин», дедилар». Учовлари ривоят қилган.

Бу ерда бировни юзига мақташ ҳақида сўз кетмоқда. Шу билан бирга, мақтовдан сўнг ўзидан кетиб адашув йўлига кириши эҳтимоли бор

кишилар ҳақида сўз кетмоқда. Ўринли ва адолатли мақтов мумкин. Баъзи жойларда кишиларни яхшиликка тарғиб қилиш учун керак.

4.Маддоҳ золим ёки фосиқ одамни мақтаб хурсанд қилади.

Мақталган шахсдаги офатлар:

1.Мақтов мақталган одамда кибр ва ўзини устун кўришликка сабаб бўлиши мумкин.

2.Мақталган мақтовга учиб, ўзидан рози бўлиб ҳимматини йўқотиши мумкин.

Мазкур олти офатдан холий бўлса, мадҳ жоиздир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:нинг ҳузурига Бани Омирнинг элчилари келдилар. Бас, улар: «Сиз саййидимизсиз», дейишди.

«Саййид Аллоҳдир», дедилар у зот.

«Фазлда афзалимизсиз, атода каттамизсиз», дейишди.

«Бу гапингизни ёки бу гапингизнинг баъзисини айтаверинг. Фақат шайтон сизларни тезлатиб юбормасин», дедилар». Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилган.

Меъёрида ва ҳаддан ошмасдан мақтов сўзларини айтиш мумкинлиги шу ҳадиси шарифдан олинади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан саҳобалари мадҳи ҳақида кўплаб ҳадислар келган.

Суфён ибн Уяйна дейди: «Ўзини билган одамни мадҳ қилиш зарар қилмайди».

«Бир киши келиб Усмон розияллоҳу анҳуни юзларига мақтади. Миқдод ибн Асвад тупроқ олиб унинг юзига сочди ва: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қачон маддоҳларни кўрсангиз, уларнинг юзига тупроқ сочинг”, деган эдилар», деди**». Абу Довуд, Муслим ва Термизий ривоят қилган.

Бундан маддоҳларни маддоҳликдан қайтариб туриш ҳам зурурлиги чиқади. Бўлмаса улар ўз маддоҳликларида ҳаддан ошиб бир-бирлари билан мусобақалашиб бораверадилар.

Бир киши ҳазрати Али розияллоҳу анҳуни юзларига қараб туриб маддоҳлик қилди. Али розияллоҳу анҳу аввал шу одам ўзларини ёмонлаб юргангани билар эдилар ва унга: «Мен сен айтганчалик эмасман. Аммо ичингда сақлаб турганингдан устунман», деди.